

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**245** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқ-  
ланган Давлат божи ставкаларига ўзгартиришлар киритиш  
тўғрисида

Давлат божи ставкаларини мақбуллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларга судларда ўз ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари 2-бандининг «а» кичик банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

а) мулкӣ тусдаги даъво аризалари- дан	— даъво баҳосининг 1 фоизи миқдори- да, лекин энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда
қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг мулкӣ тус- даги даъво аризаларидан	— даъво баҳосининг 1 фоизи миқдорида

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 16 май,  
125-сон